

ИСТЕЪДОДЛИ ЙЎЛБОШЧИ

Ш.Ахмаджанова

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти ва тарихи
давлат музейи Бош мутахасиси*



Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи “Хотира ва қадрлаш” бўлимига ташриф буюрар экансиз, беихтиёр сизга меҳр билан қараб турган вилоятимиз сардорларилари тўғрисидаги экспозитция галерияси сизни ўзига жалб қилади. Экспозитцияда иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари, ҳарбий саркардаларнинг портретлари моҳирлик билан санъат даражасида чизилган.

Яхшиларни ёд этиш мароқли ва савоблидир. Мамлакатимизнинг ҳарбий саркардалари ўртасида ўзига хос шонли ҳаёт йўлини босиб ўтган, сабр – тоқатда, меҳр – оқибатда, ирода ва матонатда, хизматда шахсий ҳаётда, теварак атрофдагиларга ибрат намунасини кўрсатиш биз катта авлод учун бурчимиздир. Шундай умр дафтарлари сермазмун бўлган вилоятимиз қолаверса Республикамиз фахри ҳисобланган шахс Турсунхўжа Аҳмадхўжаевдир. Наманганда халқимизнинг фаол жамоатчи раҳбарларидан бири сифатида ҳурмат ва эътиборга сазовордир.

Турсунхўжа Аҳмадхўжаев 1924 йил 28 декабрда Наманган шаҳрида туғилган. Оталари Маъруфхўжа 1896 йили Наманган шаҳрида таваллуд топган бўлиб, ўз даврида 1919 – 1921 йилларда молия идорасида назоратчи бўлди. 1924 – 1931 йилларда кўрикчи бўлиб иш бошлади. Сўнг Косонсой туман ўрмон хўжалиги назоратчиси сўнг бошқарувчи директор бўлиб тайинланди. 1935 – 1941 йилларда Тошкент вилоятининг Чиноз, Калинин туманларида ижроия кўмита раиси бўлди. Оталари яқин ўттиз йиллик умрларини Ўзбекистонимизнинг бепоён ўрмонзорлари ва узумзорлари мевазорлари яратишга сарфлади. Маъруфхўжа нафақат боғ яратди. Умри давомида орттирган тажрибасини жонкуяр инсонга хос фазилатларни ўзида мужассамлаштирган жигарбанди - Турсунхўжани камол топтирди. Маъруфхўжа ота 62 ёшларида вафот этдилар.

Турсунхўжа улғайгач ҳарбий билим юртини ўқиди. Ўқишни тамомлагач лейтенант Турсунхўжа ҳарбий билим юртида бўлинма командирлигига тайинланди. 1943- 1944 йилларда Ватан ҳимоясига отланган юзлаб ёшларга ҳарбий кўникма ва билимлардан кунт билан сабоқ берди. Уруш туфайли Харьков ҳарбий пиёдалар билим юрти яъни Турсунхўжа хизмат қилаётган билим юрти Наманганга кўчирилди.

1944 йилда Турсунхўжани Наманган тумани ҳарбий комиссиартига юборишди. 1945 йилдан бошлаб эса Туркистон ҳарбий округида хизматни давом эттирди. Наманган, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой, Норин туманларида ҳарбий комиссариатда муваффақиятли ишлади. 1972 йилда Турсунхўжа Аҳмадхўжаев Республика ҳарбий комиссари ўринбосари этиб тайинланди. 1986 йилга қадар истеъфодаги полковник Т.Аҳмадхўжаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги раҳбар ходимлар малакасини ошириш институтида директор ўринбосари бўлиб ишлади. Наманган вилоят партия қўмитаси биринчи котибининг ёрдамчиси, қўмита давлат ва ҳуқуқ бўлими сектор мудирини вазифаларида ишлади. Умрининг охириги йилларида вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашига раҳбарлик қилди. Турсунхўжа вилоятимизда яшаб истиқомат қилаётган қаҳрамонлар, Шухрат орденларининг тўла нишондорлари, 1,1,111 гуруҳ ногиронлари, афғончи, чернobilчилар турмуш тарзини яхшилаш, ёшлар тарбиясини кучайтириш, уларни Ватанга, юртга меҳр – муҳаббат, садоқат рўҳида тарбиялаш каби хайрли ишларга камарбаста бўлди.

Турсунхўжа Аҳмадхўжаев 9 нафар фарзандни тарбиялаб, эл хизматида камарбаста қилдилар ва бугунги кунда Аҳмадхўжаевлар сулоласи вакиллари вилоятимизнинг барча жабҳаларида кўриш мумкин. Бугун Турсунхўжа бобо ҳаёт бўлганларида 100 ёшларни нишонланар эди. Боболарнинг шарафли ва ибратли ҳаёт йўллари ёшларга ибрат намунасини берди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О. Абдурахманов, В. Абдувалиев. Мардлик мангулик. 1970 йил. "Ўзбекистон" нашриёти.
2. Жанговар варақа №120. Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи.
3. Ватаннинг содиқ ўғлони. "Ибрат" газетаси. 2021 йил, декабр.